

Тазкия дарслари (87-дарс). Роббларига таваккул қиладиганларгина мўминлардир



13:00 / 30.05.2020 4931

«Албатта, Аллоҳ зикр қилинса қалблари ларзага келадиган, уларга оятлари тиловат этилса иймонларини зиёда қиладиган ва Роббларига таваккул қиладиганларгина мўминлардир» (2-оят).

Бу ояти каримада мўминларнинг бир неча сифатлари зикр қилинган. Оят «албатта», деган таъкид билан бошланаётгани диққатни тортади.

«Аллоҳ зикр қилинса қалблари ларзага келадиган»лар... мўминлардир.

Демак, мўминни ажратиш учун Аллоҳ таолони зикр қилиш керак экан. Аллоҳ таоло зикр қилинганда қалбини титроқ босиб, Ундан қўрқиб турган одам мўмин бўлади. Яъни, бирон ишни Аллоҳ таоло буюрган, қилиш керак,

дейилса, Аллоҳ таолодан кўрқиб ўша ишни бажаришга киришган одам мўмин бўлади.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида марҳамат қилади:

«Улар иймон келтирган ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топура!» (28-оят).

Ҳа, иймон келтирганларнинг қалблари Аллоҳ таолонинг зикри ила ором топади. Чунки у қалблар ўзларининг Аллоҳ таолога доимий боғлиқ эканларини ҳис этадилар. Чунки бу қалблар дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳ таолодан эканини яхши биладилар. Аллоҳ таолодан ўзганинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини ҳам яхши биладилар. Бу дунёю у дунёнинг саодати Аллоҳ азда ва жалланинг ихтиёрида эканини яхши биладилар. Шундай бўлганидан кейин нега Аллоҳ таолонинг зикри ила қалблари ором топмасин?!

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида шундай марҳамат қилади:

«Улар Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида зикр қиладилар ва осмонлару ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қиладиларки: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни олов азобидан сақлагин», (дейдилар)» (191-оят).

Ушбу ояти каримадан кўриниб турибдики, Аллоҳ таолонинг биру борлиги ҳамда чексиз қудрати ва бошқа комил сифатларини тўла англаб етиш учун ибодат, зикр ва тафаккур лозим экан. Бири бўлиб, иккинчиси бўлмаса ҳам, иш битмас экан. Аллоҳ таолони тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларда зикр қилиш даражаси улуғ даража бўлиб, инсон ибодатда олий мақомга эришгандагина ушбу даражага кўтарилади.

Зокирларнинг имоми бўлмиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам зикрга оид кўп нарсаларни баён қилганлар.

Улардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ азда ва жала: «Мен бандам Мен ҳақимда нима гумон қилса, ўшандоқман. У Мени зикр қилган чоғда Мен у биланман. У Мени ёлғиз зикр

қилса, Мен ҳам уни ёлғиз эслайман. У Мени жамоат ичида зикр қилса, Мен ҳам уни унинг жамоатидан яхшироқ жамоат ичида эслайман. Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир аршин яқинлашаман. Агар у Менга бир аршин яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у мен томон юриб келса, Мен у томон югуриб бораман», деди».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ зикр қилинадиган уй билан зикр қилинмайдиган уйнинг мисоли худди тирик ва ўликка ўхшайди», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Ким бир кунда юз марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува алаа кулли шайъин қодийр», деса, бу унинг учун ўнта қулни озод қилишга баробар бўлади, унга юзта ҳасана битилади ва ундан юзта ёмонлик ўчирилади. Бу унга ўша кун шайтондан сақлаш бўлади. Ўша ҳол кеч киргунича давом этади. (Буни) шундан кўпроқ қилган кишидан бошқа ҳеч ким у келтиргандан афзалроқ нарса келтира олмайди».

Ким бир кунда юз марта «субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деса, унинг хатолари ҳатто денгиз кўпикларича бўлса ҳам, ўчирилади», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

«Руҳий тарбия» китобидан